
Кузги шудгор – ҳосилдорлик гарови

Халқимизнинг “Ер ҳайдасанг, куз ҳайда – куз ҳайдамасанг, юз ҳайда”, деган мақоли замирида улкан маъно мужассам.

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда кузги шудгорлашнинг аҳамияти катта. Ўз вақтида, сифатли ўтказилган шудгор келгуси йил ҳосилига пухта замин яратади. Сифатли шудгорланган майдонларда шўр ювиш, яхоб суви бериш, эрта баҳорда тупроқни экишга тайёрлаш ҳамда экиш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказишга эришилади.



Ўзбекистон туманидаги “Янги Обод Маш Тех Сервис” МЧЖда туман ҳокими Қ.Джураев ва туман ИИБ бошлиғи Б.Нажмиддиновларнинг соҳа вакиллари билан учрашувида ана шу муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Жорий йилда туманимизда 5 минг 200 гектар ерни кузги шудгорлаш режалаштирилган бўлиб, бу долзарб тадбирга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, ҳайдов тракторлари яна бир бор техник кўриқдан ўтказилиб, жорий таъмирланмоқда. Шудгорлаш ишларини тизимли ташкил қилиш мақсадида 11 отряд тузилди.



Туман ҳоқими ёқилғи таъминотида узилишлар бўлмаслиги, механизаторларга қулай шароитлар яратиш чораларини кўриш юзасидан соҳа масъулларига тегишли кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-10-18 00:43:21